

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 109-ҳадис

109 - العاشر: عَنْ أَنَسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنْ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «يَئْبَعُ الْمَيْتَ ثَلَاثٌ: أَهْلُهُ وَمَالُهُ وَعَمَلُهُ؛ فَيَرْجِعُ أَهْلُهُ وَمَالُهُ، وَيَبْقَى عَمَلُهُ» مُتَّقٌ عَلَيْهِ.
[773، م 6514]

109. Анас розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Үлган одамга уч нарсаси - аҳли, моли ва амали эргашади. Иккитаси - аҳли ва моли қайтиб келиб, битта амали (у билан бирга) қолади», дедилар.

Мұттафақұн алайҳ.

Шарх: Ушбу ҳадиси шариф бизни доимо ибодатға, яхши савобли амаллар қилишга чорлайди. Чунки инсон боласи билан қоладиган бирдан-бир нарса бу фоний дунёда қылған амали, тоат-ибодати ва солих ишларидир.

Бошқа нарса фойда бера олмайди. Мол-дунё ва бола-чақа бу дунёда фойда бериши мүмкін. Аммо охиратда фойда бера олмайди. Одам боласи вафот этганда унинг мол-дунёсидан ўзини күмишга ишлатилади, болалари, аҳли тобуттга солиб қабр томон күтариб олиб боришади. Күміб орқага қайтишади. Аҳли ҳам у билан бирга қабрга кира олмайди, молу дунёси ҳам. Шунингдек, аҳли ҳам, моли ҳам ундан қабр азобини, охират азобини қайтара олмайди.

Маййитга фойда бериши мүмкін бўлган бирдан-бир нарса унинг тириклигига қылған яхши амалидир. Аллоҳ таоло барчамизни яхши амали фойда берадиган бандалардан қилсин.

Манба: hadis.islom.uz

